Mustaqil gazeta HURRIYAT

Маънавият

# ХУЛОСАЛАР

(Фикрлар қаймоғи)

Маънавият орқали инсон табиат ва жамият билан бир бутунликни ташкил қилади, уйғунлашади. Инсоннинг табиатга ва жамиятга ижобий таъсири маънавиятга, салбий таъсири эса ундаги камчиликларга боғлиқ. Маънавиятнинг ижтимоий вазифаларидан энг асосийси — миллатни муҳофаза қилиш. Миллатнинг маънавияти эса ҳеч бир шахс, ҳеч бир ижтимоий гуруҳ томонидан тўлалигича ўзлаштирилмайди.

Амалий фаолиятда маънавиятнинг фақатгина ўзлаштирилган қисми рўёбга чиқади. Ўзлаштирилган қисмни кенгайтириш учун амалий фаолиятнинг янгича йўл — усулларини излаш, топиш, жорий қилиш керак.

Хўш, бу фаолиятни аввало қаердан бошлаш керак? Албатта, оиладан! Жамиятнинг асосий негизи, миллат таркиб топадиган муқаддас масkани — оила. Оилавий ҳаёт ўз қонун ва қоидаларига эга бўлиши билан бир қаторда маҳалла ичидаги кичик бир маҳалладир.



Ёшлардаги ақл-идрокнинг тиниқлиги, маънавий-ахлоқий камолот маҳалладаги кексаларнинг тажриба ва донолиқлари билан уйғунлашиб кетиши зарур. Маҳалла — улкан оила. Табиийки, ўз уйига сиғмаган болалар маҳаллага ҳам сиғмайди. Яъни, ўз оиласи — жигаргўшаларига рўшноликни раво кўрмаган фарзанд жамиятга ҳам хайр келтирмайди, халқнинг, Ватаннинг хизматига ярамайди. Шунинг учун ҳам оила бошлиқлари, маҳалладаги педагоглар болаларнинг қалбига бепарво қарамасликлари, улар билан доимо қизиқиб боришлари, уларнинг психологиясидаги кўникувчиликка, улар тарбиясидаги қўрқоқлик ва итоаткорликка бефарқ бўлмасликлари лозим. Оила ва маҳалла бирлашса, ҳамкорлик қилишса, барча муаммоларга ечим топилади.

Маҳалла — оила — мактаб тизимида қуйидаги тамойиллар ва ижтимоий мўлжаллар сақлаб қолинса, унинг юксак суръатларга эришиши ва жамиятимиз тараққиётига катта ҳисса қўшиши тайин:

**биринчидан,** маънавиятимиз нафақат ўзининг миллий-тарихий негизларига қайтди, энди у янги миллий истиқлол ғоясига ва мафкурасига таяна бошлади;

**иккинчидан,** у дунёвийлик ва фикрлар, қарашлар ранг-баранглиги тамойилларига суянмоқда;

**учинчидан**, у миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштиришга, ижтимоий тараққиётни таъминлашга қаратилган энг юксак идеалларни ўзига мўлжал қилиб олди;

**тўртинчидан**, у шахс ва жамият манфаатларини бирлаштириш, уйғунлаштириш асосида фуқароларни ватанпарварлик, соғлом миллий ғурур асосида тарбиялашга интилмоқда.

Демак, тарбия тизимининг қайси усулидан фойдаланмайлик, ёш авлоднинг ижтимоий-руҳий психологиясини пок, маънавиятини юксак, ақлан етук қилишга интилишимиз керак.

**Наргиза ҲАҚҚУЛОВА,**
**Зебо ҲАСАНОВА,**
**Республика "Оила" илмий-амалий маркази аспирантлари**

Назм

# АЁЛ ТИРИК ЮРСА...

## Ватан чақирса...

*Толиққандир кўксингда бургутларинг*
*Ўчиб бўлган гуриллаган ўтларинг*
*У чақирса...*
*Зумда чўғлана олсанг*
*Шунда, шунда Сен Ватанга арзийсан.*

*Шон бермоқ-чун бир парча чўл ё тоққа*
*Жон бермоқ-чун шу Ватанни олмоққа*
*У чақирса...*
*Зумда ўқланаолсанг*
*Шунда, шунда Сен Ватанга арзийсан.*

*Бир кун... қабрда ётсанг ҳамки поймолсан*
*У чақирса...*
*Зумда тикланаолсанг*
*Ерсан, аммо учиб, кўкланаолсанг*
*Шунда, шунда Сен Ватанга арзийсан.*



**Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

## Дўст бўлолсак

*Боғларимиз бўлса ҳамки қушлик, гуллик*
*Ёстиғимиз гоҳо тошдир, гоҳо силлиқ.*
*Аллоҳ берган бу мартаба учун қуллуқ*
*Агарда биз дўст бўлолсак Муҳаммадга!*

*Майли, бахтим, майли, пушаймоним дегай,*
*Боламдаги оқаётган қоним дегай,*
*Дунё бизга энгашар-у, жоним, — дегай,*
*Биз дунёни олиб кетсак муҳаббатга.*

*Пайғамбарлар берар бўлса бизга сазо*
*Бор ошиқлар юкингай ишқ шарҳин ёза,*
*Бу дунёга бало келмас, келмас қазо,*
*Аёл тирик юрса, деган бир ҳикматга.*

*Сеҳру сабоғларимиз устида юрсин,*
*Доғ ўлдик. Доғларимиз устида юрсин.*

*Пайғамбаримиз ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.) айтдилар: "Бу дунёда менга уч нарсани дўст этдилар: бири — аёллар, иккинчиси — муаттар ҳидлар, учинчиси — намоз пайти кўзимнинг равшанлиги".*

**Имом ат-ТЕРМИЗИЙ**

*Қошу-қабоғларимиз устида юрсин*
*Алар бизни лойиқ кўрса бундай бахтга.*

*Бу дунёга келиб топган бор заримиз*
*Шу ишқ эди. Гуллатган оғочларимиз*
*Йўлларини супурсин-а сочларимиз,*
*Агарда биз дўст бўлолсак Муҳаммадга!*

## Муҳаммаднинг йўқлови

*Бу қулаган тик теракми,*
*Бўйларингми, Муҳаммад.*
*Чумолидай одам босар,*
*Тўйларингми, Муҳаммад.*

*Тўйинг бўлса менам борай*
*Нечун дилим ёрасан.*
*Нечун ортга қарай-қарай*
*Ўзинг кетиб борасан.*

*Сен кетдинг-у бор дунёси*
*Бўшаб қолди, укажон.*
*Онанг сени туғмаганга*
*Ўхшаб қолди, укажон.*

*Онаизор, дўсти жондан*
*Кетмаганинг чин чиқар*
*Аммо қачон Андижондан*
*Энди сендай кун чиқар?*

*Андижонда кўтариб қад*
*Шошга келиб ботдингми?*

*Элкезарим, энди абад*
*Турмас бўлиб ётдингми?*

*Шундай эрта бошлаб, эрта*
*Сен тиндингми, жигарим.*
*Ҳеч ким етаолмас ёғоч*
*От миндингми, жигарим.*

*Олддаликка қасдма-қасдлик*
*Бу тақдири ростми, ё*
*Ҳеч кимсага етказмаслик*
*Даҳоликка хосми, ё.*

*Даҳо бўлмай кетгин, укам*
*Қани даҳо бўлмасанг*
*"Опажон", — деб юрсанг қани,*
*Қани энди ўлмасанг?!*

*Кўзи ёшли, кўксин чоклаб*
*Жайрон ўзин тиғлайди.*
*Қабринг узра қизғалдоқлар*
*Қизларингдай йиғлайди.*

*Юракларда юрмагини*
*Оҳ, олдиндан билган қуш*
*Ҳар ўзбекнинг юрагини*
*Ўзиники қилган қуш.*

*Йўқлаганда бағрим тилик*
*Тилик-тиликдир жоним.*
*Мустақиллик байроғини*
*Кўтарганим, полвоним.*

*Кетар чоғинг айтмадинг-а*
*Бирор сўз ё бир нидо.*
*Ҳавзи кавсар бўйларинда*
*Учрашгунча алвидо!*

*Гарчанд полвон эдинг бийдай*
*Қуш бўл, чим бўл, энди Сен.*
*Ер остидан Яссавийдай*
*Қўлловчим бўл, энди Сен!*

*Бу қулаган тик теракми,*
*Бўйларингми, Муҳаммад...*

## Йўлдадирман

Йигирма йил ўтди интизорликда.

**Андрей ВОЗНЕСЕНСКИЙ**

*Сиз кутасиз. Менам бораман,*
*Учиб борадурман худди ўқ.*
*Фақат... олдин хат юбораман*
*Ўша хатни ёзганимча йўқ.*

*Кўнгил ичга тўкиб борини*
*Бир йил, ўн йил ўтди, бу кўпми?*
*Айриликнинг алафзорини*
*Биргалашиб ўрамиз, хўпми?*

*Йигирма йил, ўттиз йил ўтди,*
*Кўзингизга малол инмасми?*
*Ўттиз йиллаб ғовлаган ўтни*
*Ўрар чоғи чалғи синмасми?*

*Қирқ йил ўтди.*
*Мен тез бораман*
*Ранжимангиз, гувоҳ еру кўк.*
*Фақат... олдин хат юбораман*
*Хатни... ҳали ёзолганим йўқ.*

*Учиб борадурман худди ўқ,*
*Бу ҳолатни қандай*
*шарҳлайман.*
*Борган сари ўрмонзор қуюқ*
*Мен куйиниб чалғи чархлайман.*

*Сиз кутасиз. Менам бораман.*

## Ўзинг тик кет

*Билолмасман — бу дунёси ҳикматму ё сийму-зар?*
*Тилсимларин очмоқ бўлиб қанча чопмай ҳайронман.*
*Кошонамни, хос хонамни синчиклаб кўрадилар,*
*Кўнглим кўрар, кўнглим сўрар бир дўст топмай ҳайронман.*

*Бир ўй сингди юрагимга худди наштар, худди ўқ*
*Йиқилмагин йиқилганни суяйдиган одам йўқ!*

*Зоғлар сендан чекингайдир, ҳатто боғлар кетгайдир*
*Ўстирганинг учун қуллуқ, сен деб озор чексинми?*
*Ўзинг ердан кўтарганинг — тоғлар сендан кетгайдир*
*Яқинлаб бор, бирор тоши танимаса, ўксинма!*

*Фақатгина олар дўстмас, берар дўстинг бўлса ҳам*
*Ўзинг тик кет, омонатдир, бир устунин ушлама.*
*Қабргача, Ўлимгача борар дўстинг бўлса ҳам*
*Ўлимгача ўзинг тик кет, йўлларда ер тишлама.*

*Адл яша!*
*Билган ҳолда, кўзларингда мотам йўқ.*
*Йиқилмагин, йиқилганни суяйдиган одам йўқ!*

## Ерда қолган сўзларим

*Ўзни урдим ўтга-ю чўққа*
*Кимга ботдим,*
*Ким менга ботди.*
*Гоҳ байроқдай юксалдим кўкка*
*Гоҳи поймол, ерларда ётдим.*

*Давом этгай ҳали*
*бу жангим*
*Бас келгайман зару зўрларга*

*Қанотимдан айирма, Тангрим,*
*Киргунимча қаро гўрларга.*

*Кирганда ҳам*
*тинмас бўзларим*
*Бўлгай улар шараф ё шарар.*
*Менинг ерда*
*қолган сўзларим*
*Болаларни кўкка кўтарар!*

Томошабин

# «БЎЛАРКАН-КУ!..»

*("Ўтган замон ҳангомалари" спектаклини кўриб)*

"Янги спектакл, яхши спектакл томошабинлар учун чинакам байрам бўлади", деганлари рост экан.

Куни кеча Ўзбек Миллий академик драма театрида кўрганимиз "Ўтган замон ҳангомалари", менимча, кўпчиликда шунақа, байрамона таассурот қолдирди. Бунга ўша куни театр залининг томошабинларга лиқ тўлгани ва узоқ давом этган қарсаклар гувоҳ.

Қизиғи шундаки, спектаклдаги қарийб ҳамма воқеалар Ғафур Ғулом асарлари орқали аввалдан бизга таниш. "Менинг ўғригина болам"ни ҳам, "Ҳасан Кайфий"ни ҳам, "Шум бола"ни ҳам қайта-қайта ўқиганмиз. Лекин Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим ва саҳналаштирувчи режиссёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Валижон Умаровлар ана шу, маълум ва машҳур асарларнинг ўзига хос, янги талқинини топа олишган, деб ўйлайман. Менимча, асарнинг бош муваффақияти шунда бўлса керак!

Иккинчидан, спектаклдаги бирон кўриниш, бирон хатти-ҳаракат, бирон сўз кишини бефарқ қолдирмайди. Бу ҳолат энди актёрлар ижросига боғлиқ, албатта.

Шу маънода спектаклда подшоҳ ролини ижро этган Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов, солиқчи — Ўзбекистон халқ артисти Теша Мўминов, вазир — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Бахтиёр Қосимов, Ҳасан Кайфий — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдураим Абдуваҳобов, телба зобит — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Қаҳрамон Саъдуллаев ижроларини ҳар қанча табрикласак арзийди.

Яна бир жиҳати, спектаклда мусиқа, рақслар, хор бўлиб айтиладиган машҳур ашула ҳам ҳаммаси бир-бирини тўлдириб, бойитган. Фақат бир нарса, қоронғи кечада саҳна ортида милтиллаб турадиган қишлоқ уйларининг чироқлари тасвири айрим ўринларда кўп қаватли уйларнинг чироқларидек таассурот уйғотади, иннайкейин, актёрларнинг гап-сўзлари баъзан шунчалик паст эшитиладики, ҳамма томошабинга ҳам етиб бормайди. Булар шахсий мулоҳазаларим, албатта.

Шунга қарамай, бу янги спектакль менда ва шу театрга тушган ҳамма томошабинларда жуда катта таассурот қолдирди, деб ўйлайман. Театрдан чиқиб келаётганимизда, томошабинларнинг бири "Бўларкан-ку!" деб юборгани эсимда қолди. Назаримда, шу хитобнинг ўзи янги спектаклга берилган баҳо.

**Юлдуз УСМОНОВА,**
**"Компьютер-Эксклюзив" курси тингловчиси**

Хабар

# «МУЛОҚОТ»ДА МУЛОҚОТ

Куни кеча Қарши шаҳрида Очиқ Жамият Институти — Кўмак Жамғармаси — Ўзбекистон ваколатхонаси ҳамда "Мулоқот клуби" нодавлат-нотижорат ташкилоти ҳамкорлигида амалга оширилаётган "Мулоқот" журналистлар клуби лойиҳаси дастури доирасида жанубий ҳудуд (Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари) даги телерадиостудиялар, газета таҳририятлари, турли идоралар матбуот хизмати вакиллари учун "Янгича ахборот технологиялари ва журналистика" мавзуида навбатдаги семинар бўлиб ўтди.

Ахборот коммуникациялари шитоб билан ривожланаётган ҳозирги даврда дунёдаги етакчи оммавий ахборот воситалари ҳам унга ҳамоҳанг тарзда илдамлаётгани ҳеч кимга сир эмас. Яъни, ОАВ — матбуот, телевидение ва радио сафида электрон ахборот воситаларининг янги турлари пайдо бўлмоқда. Хусусан, ер юзида Интернет — Халқаро ахборот тармоғининг тобора одамлар турмуш тарзига кириб келаётгани бунга ёрқин мисол бўла олади. Айни пайтда ўзбек журналистикасини ҳам дунё майдонида кечаётган айни жараёнлардан орқада деб бўлмайди. Бироқ янгича ахборот технологияларидан фойдаланишда журналистикамиз олдида турган муаммолар ҳам йўқ эмас.

Семинар давомида жанубий вилоятлар журналистлари глобаллашув шароитида оммавий ахборот воситалари, замонавий ахборот технологияларининг ОАВ ривожидаги ўрни, янгича ахборот технологиялари ва маҳаллий ОАВ, ўзбек журналистикасининг янгича ахборот технологияларидан фойдаланиш даражаси каби қатор масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

**Севара УСАНОВА,**
**Зумрад ЛУТФУЛЛАЕВА**

# ЯССАВИЙ ҲАЗРАТЛАРИНИНГ ЎГИТЛАРИ

- ***Кўнгил ранжитма, Аллоҳ кўнгил ранжитгувчиларни севмас.***
- ***Инсонлик осон эмас. Манманликни қўй, адолатли, фаросатли, самимий ва ишончли бўл.***
- ***Ибодат яхши жамият яратмоқ учундир.***
- ***Ўқиш, фикрлаш ҳам ибодатдир.***
- ***Мусулмон бўлмаса ҳам бировни ранжитма.***
- ***Севгини, ҳурматни кундалик ҳаётга жорий қил.***
- ***Душманингга яхшилик қил ва қилган яхшилигингни миннат қилма.***
- ***Ўзинг муҳтож бўлганингда бошқаларга ҳам бер.***
- ***Маърифатсизнинг каромати ҳам бўлмайди.***
- ***Кучли, устун бўлсанг ҳам жанжалдан воз кеч. Ғазабдор бўлганингда юмшоқ муомала кўрсат, хато қилма.***
- ***Манманликдан воз кечмагунча тавозу эгаси бўлолмайсан. Мутавозий бўлмагунча Ҳақ йўлига киролмайсан. Ҳақ йўлида бўлмагунча нафсингни поклай олмайсан.***
- ***Кўнгил кўзини ойдинлатмай қилинган ибодатларнинг илоҳий даргоҳда қабул бўлиши даргумон.***
- ***Ўткинчи ҳаваслар, манманлик даъвоси ва худбинликни ташла. Булар Ҳақ йўлининг тузоқларидир.***

Лола НАСРУЛЛОҲ тўплади

Турмуш

# САВОЛ

Қаршимдаги ўриндиқда тоғни урса талқон қиладиган йигитлардан уч нафари ўтирар, вагонни бошларига кўтариб, шовқин солиб кетишарди. Ёнимда 45 ёшлар чамаси бир қари киши тик турган ҳолда кетяпти. Ҳалиги йигитларнинг эса парвойи палак, ўзи билан ўзи овора.

"Чорсу" бекатида яна бир қари киши вагонга чиқди. Жой бўшаганини кўриб, дарҳол бўш ўринга ўтирди ва қаршисида тик турган одамни кўриб, гап бошлади:

— Келинг, оғайни, ёшлар жой беришади, ўтиринг!

— Э, қўйинг, ўтираверишсин, барибир, бу ёшларингиз жой бермайди, — деди у киши хирилдоқ овоз билан.

— Қўйсангиз-чи, болаларимиз яхши, каттага ҳурматни билишади. Мана, мени ҳурмат қилиб жой беришдику.

Суҳбат қизий бошлади, ҳамманинг кўзи шу томонда.

— Сиз ҳам менга ўхшаб ҳозир чиққан бўлсангиз керак-да, ҳали эътибор беришмаган, ўрнидан туриб жой беришга улгурмагандир.

— Қанақасига улгурмайди? Ахир 5 та бекатдан бери тик туриб келаяпман-ку. Эътибор бермаганмиш.

— Балки оёғи оғрир. Шунинг учун ўртоғи турса ҳам, булар ўтиргандир.

Бехосдан эшитилган "Эҳтиёт бўлинг, эшиклар ёпилади! Кейинги бекат "Тинчлик" деган овоз можарони бироз узиб қўйди, аммо поезд ўрнидан жилгач, баҳс яна давом этди.

— Айтдим-ку, болаларимиз беодоб, қарияга ҳурматни, кичикка иззатни билмайдиган бўп кетишган.

— Ҳечам-да, ёшларимиз жуда яхши. Уларни ёмонламанг!

Баҳс қизигандан-қизиди. Вагонга кейинги чиққанларнинг ҳаммаси ҳайрон.

— Шуми яхшилиги?

— Бўлмасам-чи?! Нима, бир сизга жой бермаса, ёмон бўлиб қоладими? — деди ўтирган киши фиғони фалакка чиқиб.

"Тинчлик" бекати" деган бояги таниш овоз яна тортишувни узиб қўйди. Иккала киши ҳам тушишга тайёргарлик кўриб, эшик олдига келди. Бу пайтда баҳс ҳали ҳам давом этарди.

— Мен ўзимни ўйлаганим йўқ.

— Йўқ, сиз ўзингизни ўйлаяпсиз.

Шу тариқа тортиша-тортиша улар вагондан тушиб кетишди...

Поезднинг чинқирган овози ўйларимни тарқатиб юборди. Сўнгги бекатга етиб келганимни ҳам сезмабман.

Хўш, сиз шундай ҳолатга дуч келганмисиз? Фикрингиз...

**Абдусамад МЕҲМОНОВ,**
**талаба**

Voice of America

# Америка овози

*www voanews. com/uzbek*

- *Дунё хабарлари*
- *Америка ҳаётидан лавҳалар*
- *Қўшма Штатлар сиёсати, иқтисоди, маданияти ва маърифатининг турли қирраларини акс эттирган маълумотлар*
- *Америка ва дунё жамоатчилигини боғловчи қадриятлар*
- *АҚШ ва Марказий Осиё муносабатлари*
- *Вашингтон-Тошкент алоқалари*
- *Демократия ва инсон ҳуқуқлари борасидаги жараёнлар*
- *Терроризмга қарши кураш босқичлари*
- *Дунёдаги долзарб воқеаларга Вашингтондан назар*

*Буларнинг ҳаммаси "Америка овози" радиосининг ўзбек тилида ҳавога узатиладиган дастурларида*

***Эшиттиришларимиз ҳар куни алоҳида-алоҳида дастурлар ҳолида Тошкент вақти билан 17.30-18.00 ва 20.00-20.30 оралиғида эфирга узатилади.***

***«Америка овози»***

***радиосини қисқа тўлқин — УКВ***
***17.30-18.00 да 15470, 17555, 17730 kHzда 19 ва 16 метрларда;***
***20.00-20.30 да 7295, 9745, 15255 kHzда 41, 31 ва 19,***
***шунингдек, Душанбе атрофида ўрта тўлқин 1143 килогерцда***
***ва Ўш минтақасида FM 103,2 метрларда тинглаш мумкин.***

VOA

*МУРОЖААТ УЧУН*
*VOA UZBEK SERVICE Independence Avenue SW, Room # 2141, Washington, DC 20237, USA*
*Tel: (202)6197566, (202)6190368, fax: (202)2603498, (202)6190368*
*uzbek@voanews.com*

Фикр

# ЯНГИ АЛИФБОГА БЕЛГИ КЕРАК

Янги алифбодан фойдаланиш жараёнида бир камчилик кўзга ташланмоқда. Маълумки, бизнинг бой тилимизга сингиб кетган баъзи арабча сўзларда, араб ҳарфи "ъайн" билан ёзиладиган товуш бор. Кирилл алифбосига ўтилганда бу товуш "ъ" шаклида берилар эди — "маълум, маърифат, эълон" каби.



Янги лотинча алифбомизда бу товуш иккита ҳарф орасига қўйиладиган ' белгиси билан ёзилади, яъни "ma'lum, ma'rifat, e'lon" каби.

Шу билан она тилимизда ўз маъносига эга бўлган кўпгина сўзларнинг тўғри талаффузи сақлаб қолинган. Бу маъқул ва ҳаммага тушунарли тадбир.

Лекин бизнинг мулоҳазамиз фақат иккита ҳарфнинг босма шакли тўғрисида боради.

Янги алифбога ўтишимизда кирилл алифбосидаги "ў" товуши учун ёзма шаклда "ŏ" ва "ғ" учун "ğ" ҳарфи белгиланган.

Бундай ҳолат амалда анчагина сунъий қийинчиликлар туғдирмоқда.

Чунки сўз ичида ' белгисини учратган киши уни беихтиёр "ma'lum, ma'rifat" сўзларидаги каби "ъайн" товуши билан талаффуз қиладилар. Яъни, o'roq, o'qish, o'zbek, g'o'za, g'alaba каби. Бундай ҳолат, айниқса, ёш болалар ва она тилимизни ўрганувчи кишиларга тааллуқлидир.

Бу ноқулайликни тузатиш ҳозирча қийин эмас. Ҳалиги иккита ҳарфнинг босма шаклида тескари вергул ' ўрнига уларнинг ёзмасидаги каби, тепасига "-" аломати қўйилса, тўғри бўлар эди.

Шунда ҳар иккала ҳарфнинг ёзма ва босма шаклларига нисбатан бир хилдаги усул (принцип) қўлланган бўларди.

Бу вақтда, юқоридаги сўзлар босма шаклида o'zbek, o'roq, o'qish, g'o'za, qo'rqoq деб ёзилади ва осон ҳамда тўғри ўқилади.

Бунинг учун босмахоналаримизда шу ҳарфларнинг тегишли шаклларини тезликда тайёрлаш керак.

Шуни эслатиш лозимки, алифбо ўзгарган бундан аввалги даврларда ҳам эътиборга олиниб, айрим шрифтлар тайёрланган эди. Демак, бу ҳолат янгилик эмас.

**Мунаввар ТУРСУНОВ**

Ўзингни англаб ет!
Mustaqil gazeta HURRIYAT

**Муассис:** Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

***Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:*** **Исмат ХУДОЁРОВ**

**Таҳрир ҳайъати:** Турсунали АКБАРОВ, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Амирқул КАРИМОВ, Наим КАРИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот ва ахборот агентлигида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

**Таҳририят манзили:** Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Тел-факс: 41-49-91. Тел: 41-52-72, 144-25-06.

Индекс:
Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Собиржон ЁҚУБОВ

Ⓡ — тижорат белгиси.

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 20.00
Буюртма — Г - 515
Адади: 3047

*Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.*

«Hurriyat» kompyuter markazida Jamshed TOG'AEV tomonidan sahifalandi.